

« 22 » Март 2019 ж.д

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги

“Мухофаза этилаётган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”

ПК-4247 –сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги “Мухофаза этилаётган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПК-4247 – сонли қарорининг ижросини таъминлаш ва мухофаза этилаётган табиий ҳудудларни давлат томонидан бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, уларни янада ривожлантириш, шунингдек, республика экотизимининг биохимихаҳиллигини сақлаб қолиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги “Мухофаза этилаётган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПК-4247 - сонли қарори нжро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни мухофаза қилиш давлат кўмитаси (кейинги ўринларда Давлат экология кўмитаси деб аталади), Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси (кейинги ўринларда ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси Фандлар академиясининг:

- ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси тасарруфидати бўлган Чотқол биосфера, Зомин, Сурхон, Нубота ва Қизилқум давлат кўриқхоналари, шунингдек, Қуйи Амударё давлат биосфера резерватини штат бирликлари ва моддий-техник базаси билан бирга ҳамда амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда;

- ўрмон хўжалиги давлат кўмитасинини Давлат кўриқхоналари, миллий боғлар ва овчилик хўжалиқлари бошқармасининг 6 та штат бирлиқларини амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Давлат экология кўмитаси тизимига ўтказиш;

- 2019-2022 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида қуйидаги 5 та мухофаза этилаётган табиий ҳудудларни:

“Жанубий Устюрт” давлат кўриқхонаси;

“Белтов”, “Оклетхи” ва “Оқдарё-Қозоқдарё икки дарё оралиғи” давлат

бюртма кўриқхоналари;

“Судочье” давлат бюртма кўриқхонаси негизда “Судочье кўллари

тизими” давлат бюртма кўриқхонасини ташкил этиш тўғрисидаги

тақлифларига розилик берилганлиги;

б) Қуйидагилар:

2019-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг мухофаза этилаётган табиий ҳудудлари тизимини ривожлантириш бўйича “Иўл харитаси” 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни мухофаза қилиш давлат кўмитаси тасарруфига ўтказиладиган мухофаза этилаётган табиий ҳудудларни қабул қилиш-топшириш ишларини ташкил этиш бўйича республика комиссияси тарқибий 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

в) Республика комиссияси (Қучқоров) икки ой муддатда: этилаётган табиий ҳудудлар объектлари, моддий-техник бойлиқларни ва бошқа мулкларни ҳаттодан ўтказиш;

мухофаза этилаётган табиий ҳудудларнинг штат бирлиқлари ва моддий-техник базаси билан бирга ҳамда амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда белгиланган тартибда қабул қилиниши-топширилишини таъминлаш;

г) Давлат экология кўмитаси:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат кўриқхоналари, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати ва “Жайрон” Бухоро иқтисослаштирилган питомининини молиялаштиришни яхшилаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

– Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда топшириқладиган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда:

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари ҳисобини юритиш, метеорология ва гидрология кузатувларини олиб бориш, экологик ва ижтимоий-иқтисодий кўриништа эга маълумотларни тўплаш, ифлосланишнинг атроф муҳитга таъсирини ўрганиш;

хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш, шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш соҳасига замонвий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни таъминлаш;

д) икки ой муддатда:

Чотқол биосфера, Зомин, Сурхон, Нурота ва Кизилқум давлат кўриқхоналари, шунингдек, Куйи Амударё давлат биосфера резервати уstayларини тасдиқлаш;

Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган “Йўл харитаси” талбирларининг ўз вақтида ҳамда самарали амалга оширилишини таъминлаш;

манфaatдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш;

е) Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2019-2022 йилларда Коракалпоғистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тизимини ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ:

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси тасарруфига ўтказилдиган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни қабул қилиш-топшириш ишларини ташкил этиш бўйича Коракалпоғистон Республикаси комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Коракалпоғистон бўлими билан биргаликда топшириқладиган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда:

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари ҳисобини юритиш, метеорология ва гидрология кузатувларини олиб бориш, экологик ва ижтимоий-иқтисодий кўриништа эга маълумотларни тўплаш, ифлосланишнинг атроф муҳитга таъсирини ўрганиш;

хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш, шунингдек, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш соҳасига замонвий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни таъминлаш;

б) икки ой муддатда Куйи Амударё давлат биосфера резервати уstayларини тасдиқлаш;


в) туман ҳокимликлари, мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган “Йўл харитаси” талбирларининг ўз вақтида ҳамда самарали амалга оширилишини таъминласин.

5. Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 16 майдати “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдати ПҚ-2966 – сонли “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳақида” ги 318 – сонли қарорининг 1-илоvasига мазкур қарорнинг 3-илоvasига мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

6. Шаҳар, туман ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар ўзларининг қабул қилган қарорларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Рақсининг биринчи ўринбосари Ж.Казбеков зиммасига юклатилсин.

Коракалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раёси



Ж. Сариев

**2019-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий  
худудлари тизимини ривожлантириш бўйича  
«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»**

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Маъсул ижрочилар
<b>1. Муҳофаза этиладиган табиий худудларни бошқариш тизимини такомиллаштириш</b>				
1	Давлат экология кўмитаси тасарруфига бериладиган муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг таъсис ҳужжатларини ва давлат кўриқхоналарида илмий тадқиқотлар ва мониторинг ўтказишни тартибга соладиган ҳужжатларни тасдиқлаш	1. Қўйи Амударё давлат биосфера резерватининг уставини тасдиқлаш 2. Давлат кўриқхоналарида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш ҳамда давлат кўриқхоналари эталон экотизимини табиат жараёнларининг табиий ривожланишини мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	2019 йил май 2019 йил июнь	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси (Хожаназаров), Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими (Аймбетов), Адлиг вазирлиги (Худайбергенов)
2	Давлат кўриқхоналарининг кўриқланма зоналарини ташкил этиш	1. Қўйи Амударё давлат биосфера резерватининг кўриқланма зоналарини ташкил этиш.	2020 йил август	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси (Хожаназаров), Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими (Аймбетов), Ёр ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Якубов)
3	Муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг кадрлар ва илмий салоҳиятини ошириш, шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.	1. Қўйи Амударё давлат биосфера резервати объектлари ва моддий-техник қимматликларини ҳафловдан ўтказиш.	2019 йил апрель	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси (Хожаназаров), манfaatдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда

<b>2. Муҳофаза этиладиган табиий худудларни тизимини кенгайтириш*</b>				
1	5 та янги муҳофаза этиладиган табиий худудларни «Жанубий Устюрт» давлат кўриқхонаси, «Белтов», «Оқпелки» ва «Оқдарё-Қозоқларё икки дарё оралиғи» давлат буюртма кўриқхоналарини, шунингдек, «Судочье» давлат буюртма кўриқхонаси базасида «Судочье кўллар тизими» давлат буюртма кўриқхонасини) ташкил этиш	Фанлар академиясининг Ботаника ва зоология институтлари вакиллари орасидан қуйдаги мақсадлар учун илмий экспедицияни ташкил этиш: Асосларни тайёрлаш учун тахмин қилинаётган худудларнинг биохимиявийлигини ўрганиш; Муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг кўриқлашни таъминлашни талаб этувчи майдонлари ва уларнинг географик координаталарини, шунингдек муҳофаза қилиш мақомини белгилаш. 1. Қорақалпоғистон Республикаси Мўйнок тумани худудида юридик шахс ташкил этган ҳолда «Судочье кўллар тизими» давлат буюртма кўриқхонасини ташкил этиш, хусусан: «Судочье» буюртма кўриқхонаси худудини кенгайтириш бўйича асосни тайёрлаш; Буюртма кўриқхонанинг физик-географик ва экологик таърифини ҳамда уни муҳофаза қилиш режимини, шунингдек, кўриқлаш ходимлари сонини аниқлаш; Чегараларни таърифлаш билан биргаликда картографик материалларни тайёрлаш. 2. Амалга оширилган ишлар натижасига кўра қарор доирасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига қўйиш.	2019 йил апрель-июнь 2019 йил июль-октябрь 2019 йил апрель-июнь 2019 йил июль-октябрь 2019 йил ноябрь 2019 йил декабрь	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси (Хожаназаров), Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими (Аймбетов), Сув хўжалиғи вазирлиги (Узақов), Ёр ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Якубов) Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси (Хожаназаров), Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими (Аймбетов), Сув хўжалиғи вазирлиги (Узақов), Моллия вазирлиги (Содиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Еденбаев), Ёр ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Якубов)
		1. Қорақалпоғистон Республикаси Кўнғирот тумани худудида юридик шахс ташкил этган ҳолда «Жанубий Устюрт» давлат кўриқхонасини ташкил этиш, хусусан: Кўриқхонанинг физик-географик ва экологик таърифини ҳамда уни муҳофаза қилиш режимини, шунингдек, кўриқлаш ходимлари сонини аниқлаш; Чегараларни таърифлаш билан биргаликда картографик материалларни тайёрлаш.	2020 йил апрель-июнь 2020 йил июль-сентябрь	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси (Хожаназаров), Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими (Аймбетов), Сув хўжалиғи вазирлиги (Узақов), Моллия вазирлиги (Содиқов),

		2. Амалга оширилган ишлар натижасига кўра қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил октябрь	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Еденбаев) Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Якубов)
		1. Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпър тумани ҳудудида юридик шахс ташкил этган ҳолда «Белтов» давлат буюртма кўриқхонасини ташкил этиш, хусусан: Буюртма кўриқхонасининг физик-географик ва экологик таърифини ҳамда уни муҳофаза қилиш режимини, шунингдек, кўриқлаш ходимлари сонини аниқлаш; Чегараларни таърифлаш билан биргаикда картографик материалларни тайёрлаш. 2. Амалга оширилган ишлар натижасига кўра қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2020 йил июнь-август 2020 йил сентябрь-октябрь 2020 йил декабрь	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси (Хожаназаров), Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими (Аймбетов), Сув хўжалиги вазирлиги (Узаков) Молия вазирлиги (Содиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Еденбаев) Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Якубов)
		1. Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ ва Қораўзақ туманлари ҳудудида юридик шахс ташкил этган ҳолда «Оқпелкей» давлат буюртма кўриқхонасини ташкил этиш, хусусан: Буюртма кўриқхонасининг физик-географик ва экологик таърифини ҳамда уни муҳофаза қилиш режимини, шунингдек, кўриқлаш ходимлари сонини аниқлаш; Чегараларни таърифлаш билан биргаикда картографик материалларни тайёрлаш. 2. Амалга оширилган ишлар натижасига кўра қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2021 йил март-май 2021 йил июнь-август 2021 йил сентябрь	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси (Хожаназаров), Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими (Аймбетов), Сув хўжалиги вазирлиги (Узаков) Молия вазирлиги (Содиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Еденбаев) Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Якубов)

		1. Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани ҳудудида юридик шахс ташкил этган ҳолда «Оқдарё-Қозоқдарё икки дарё оралиғи» давлат буюртма кўриқхонасини ташкил этиш, хусусан: Буюртма кўриқхонасининг физик-географик ва экологик таърифини ҳамда уни муҳофаза қилиш режимини, шунингдек, кўриқлаш ходимлари сонини аниқлаш; Чегараларни таърифлаш билан биргаикда картографик материалларни тайёрлаш. 2. Амалга оширилган ишлар натижасига кўра қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2022 йил июнь-август 2022 йил сентябрь-октябрь 2022 йил декабрь	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси (Хожаназаров), Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими (Аймбетов), Сув хўжалиги вазирлиги (Узаков) Молия вазирлиги (Содиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Еденбаев) Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Якубов)
--	--	---	---	---

\*) Чора-тадбирларни молиялаштириш Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси, халқаро ташкилотлар грантлари, шунингдек, қонуи ҳужжатларида белгиланган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси тасарруфига ўтказилган муҳофаза этилган табиий ҳудудларни қабул қилиш-тошғирлиш ишларини ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси комиссияси  
**ТАРҚИБИ**

Т.Хожаназаров - Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси,  
*Комиссия раиси*

У.Утағметов - Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги кўмитаси раиси, *Комиссия раиси ўринбосари*  
Ш.Елмуратов - Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири биринчи ўринбосари

Н.Аймбетов - Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими бошлиғи  
К.Таубаев - Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитасининг Экология ва атроф - муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси бошлиғи,  
*Комиссия котиби*

**Изоҳ.** Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг тарқибига ушбу давомчиларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юзидан шахслар киритилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 16 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПК-2966 – сонли “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги қарори ҳақида” ги 318 – сонли қарори 1- иловасига қўйилди ва тахрирда баён этилсин:

**Ўзбекистон Республикаси давлат ўрмон хўжалиги кўмитаси тасарруфига кирувчи ташкилотлар ва бошқармалар РЎЙХАТИ**

Т/р	Ташкилотлар ва бошқармалар номи	сони
1	Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги кўмитаси	1
2	Бўзотов давлат ўрмон хўжалиги	1
3	Мўйнок давлат ўрмон хўжалиги	1
4	Хўжайли давлат ўрмон хўжалиги	1
5	Нукус давлат ўрмон хўжалиги	1
6	Тахтақўпир давлат ўрмон хўжалиги	1
7	Беруний давлат ўрмон хўжалиги	1
8	Кипчоқ давлат ўрмон хўжалиги	1
9	Элликқалъа давлат ўрмон хўжалиги	1
10	Чимбой давлат ўрмон хўжалиги	1
11	Тўртқўл давлат ўрмон хўжалиги	1
12	Қораўзақ давлат ўрмон хўжалиги	1
13	Нукус маҳсус давлат ўрмон хўжалиги	1
14	Қўлгирот давлат ўрмон – овчилик хўжалиқлари	1
15	Қозоқдарё давлат ўрмон – овчилик хўжалиқлари	1